

---

## "БИЗ АЖРИМГА ҚАРШИМИЗ"

Туманимиздаги Қоратера МФЙ ҳамда Тиббиёт коллежида “Биз ажримга қаршимиз” ойлиги доирасида семинар бўлиб ўтди. Семинарда эрта турмушни, қариндош- уруғлар ўртасидаги никоҳни, ажримларни олдини олиш шунингдек, ижтимоий тармоқлардан нотўғри фойдаланишнинг салбий оқибатлари каби долзарб масалаларда сўз юритилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими ҳамда “Прометей” ННТ томонидан ташкилланган ушбу тадбирда бўлимнинг биринчи ўринбосари Д.Қосимова, Дин ишлари бўйича туман ҳокими ўринбосари Ф.Жўраев, маҳалла имом хатиби ва отинойиси, МФЙ вакиллари, ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

2022-02-23 16:02:45